

## ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯДА НАЗОРАТ ВА БАҲОЛАШ.

**Мамараимова Гулнора Юсуповна**

*Оқолтин тумани касб-ҳунар мактаби  
ишлаб чиқариш таълими устаси*

**Байкулов Шерали Эркинович**

*Оқолтин тумани касб-ҳунар мактаби  
тарих фани ўқитувчиси*

**Кенжаев Юлдош Киличович**

*Оқолтин тумани касб-ҳунар мактаби ўқитувчиси*

**Турсунов Кахрамон Омонжонович**

*Оқолтин тумани касб-ҳунар мактаби ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизимида амалга ошираётган ислохотлар фаолиятларида билим олувчиларни ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида билим, кўникма, малака ҳамда шахсий фазилатларини шакллантириш ва ҳаётга тайёрлаш, таълим-тарбия бериш жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифалиридан бири хисобланади.

Педагогик фаолиятда таълим тарбиянинг сифат ва самарадорлигини ошириш ривожланган мамлакатлар қатори кичик мутахассисларга касбий билим, кўникма, малака, шахсий фазилатларни такомиллаштириш ва шу асосида мустақил Ўзбекистонимизни ривожланиши, тараққиётига ўз хиссасини қўшаоладиган МСКО-11 талаблари асосида меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган етук кичик мутахассисликларни тайёрланишидан иборат.

**Таянч сўз ва иборалар:** Интерактив метод, инновацион технология, ҳалқаро стандарт таснифлагичи, профессионал таълим, педагогика, интерактив метод, технология, субъект, объект.

Назорат таҳлили-тарбия жараёнининг асосий таркибий қисм бўлиб, дастурий материални ўрганиш маъно ва моҳиятини тушуниш, мустаҳкамлаш, қўллаш, яъни хатти-ҳаракат усулларни шакллантиришга бевосита боғлиқ. Назоратнинг режали равишда амалга оширилиши ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарига маълум бир пайтда ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларни тизимлаштириш, муваффақиятга эришиши ва йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф қилишга имкон беради. Назорат вақтида ўқувчи ўқитувчининг саволларига жавоб бериш билан бирга бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Кичик гуруҳлар ўқувчилари берган жавобларни таҳлил этади, уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритади, ўзлаштираолмаганларни ўрганади, қўшимча ишлар бажаради, иш давомида жавобгарлик ҳисси ошади, ўз устида мунтазам ишлайди, жамоа билан ишлашни

ўрганади, ижобий, шахсий фазилатлари такомиллашади. Ўқувчилар ўзлаштирган билимларини баҳолаш ақлий лаёқатга боғлиқ. Билимлар меъёр ва мезонга қараб баҳоланади.

Назоратнинг режали равишда амалга оширилиши таълим берувчига маълум бир пайтда ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларни тизимлаштириш, мувоффақиятга эришиш ва йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга имконият беради. Таълим берувчилар томонидан ўтказилган ҳарқандай машғулотлар ва таълим олувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилишнинг бир вақтда олиб борилиши ҳар бир таълим олувчига ўзи эришган ютуқни кўриб мохиятни англашга, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга ҳамда кўникма, малаканинг шаклланиши ва шахсий фазилатларнинг ҳосил бўлишига ёрдам беради.

**Назорат методлари** - бу маълум усуллар ёрдамида билим олувчиларнинг ўқув - билиш фаолияти ва таълим берувчининг педагогик фаолияти натижаларини аниқлаш йўллари мажмуасидир. Асосий назорат методлари асосида таълим берувчи таълим олувчиларнинг кузатиш асосида ўз бурчига муносабати, унинг кучли ва кучсиз жихатларини, билимларидаги камчиликларни аниқлашга, уларга индивидуал ёндашишга билим, кўникма ва малакаларни текширишга имкон беради, шахсий фазилатларининг қандай шаклланаётганини билиб боради.

Амалиётда кузатиш билан бирга оғзаки, амалий назорат, синов ҳамда имтиҳон кўринишлари мавжуд (Схема № 1.2.3).

Схема № 1



Схема № 2



Схема № 3



Баҳолаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2008 йил 30 апрелдаги 01-148қ/қ-сон, 118-сон, 16қ/қ-сон қарори билан тасдиқланган “Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида” Низомга асосан ишлаб чиқилди.

Ўрта махсус касб-хунар таълими ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги 400-сон қарори билан тасдиқланган “Ўрта махсус, касб-хунар таълими Давлат таълим стандартлари”нинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Амалдаги “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлар ҳамда улардан сўнг қабул қилинган қатор қарорлар ва фармонларда таълим муассасаларининг асосий вазифаси ёш авлодга ҳар томонлама мукамал билим бериш, уларни амалда қўллаш малакаларини таркиб топтириш шакллантириш, диалектик дунёқарашини шакллантириш, деб кўрсатилган.

Бу вазифалар ечимини топишнинг асосий йўлларида бири таълим олувчилар билим, кўникма ва малакаларини баҳолашда объективликни ошириш; баҳоларни аниқ илмий асосда қўйиш ҳисобланади.

Ана шундай мезонлар сирасига куйидагиларни киритиш мумкин.

1. Назарий таълим бўйича билимлар мукамаллиги – ўрганилган объектнинг муҳим жihatларини ёрита олишдаги миқдорий кўрсаткичи;

2. Тизимлилик – билимлар элементлари орасидаги алоқадорликларнинг англанганлиги;

3. Умумлашганлик – билимлар элементлари орасидаги умумийликнинг англанганлиги;

4. Хақиқийлиги – билимлардан аниқ шарт-шароитлардан фойдалана олиш қобилияти;

5. Мустаҳкамлиги – ўзлаштирилган билимнинг хотирада сақланиши;

#### **Ишлаб чиқариш таълими бўйича:**

- хатти - ҳаракат усулларининг ўзлаштирилганлиги;

- ўқув-ишлаб чиқариш вазифалари, ишларини бажаришда техник, меҳнат ва ҳаёт хавфсизлиги талабларига амал қилиниши.

- техник-технологик талабларга амал қилиниш

- вазифани, ишни белгиланган меъерий вақт бирлигида бажарилиши ва шу кабилар.

Зикр этилган мезонлар ва кўрсаткичларни баҳолар билан аниқлаштирувчи нисбатлар аниқ ўқув предметлари бўйича дастурлар ишлаб чиққан муаллифлар ва методик комиссияси томонидан белгиланиши зарур. Бу меъерлар асосида таълим натижаларини жорий, оралиқ ва якуний баҳолаш мумкин бўлади.

Масалан: Бирор буюм, маҳсулот тайёрлаш имкони мавжуд бўлмаса, ишлаб чиқариш таълими бўйича кўникма ва малакалар хатти-ҳаракат усуллари таълим олувчилар томонидан таҳлил қилиниши, иш ўрнини ташкил этиш; технологик жараён моҳиятини тушуниш ва асослаш, лаборатория амалий ишларни бажаришга кўра баҳоланиши мумкин.

Таълим берувчилар таълим олувчиларни баҳолашда қуйидагиларга эътиборини қаратишлари шарт(схема № 4.5.):

Схема № 4






Схема № 5






Таълим берувчилар касбий таълим-тарбия методларидан фойдаланиши асосида таълим олувчиларнинг билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатларини шакллантира олиши бўйича ўз олдида қўйган аниқ мақсад ва натижасига эга бўладилар(№).

Схема № 8





Баҳолашда объективликни ошириш, баҳоларни аниқ, илмий асосда қўйиш зарур, нотўғри қўйилган баҳо ўқувчига салбий таъсир кўрсатади, ўқишга қизиқиши сусаяди, ўқитувчи тўғрисида нотўғри хулоса беради, ишончсизлик ва ҳурматсизлик фикри юзага келади.

Мустақил ишлаш фаолияти кескин пасаяди, дарсга диққат-эътиборсиз қарайди, фаоллик йўқолади, бу эса шахсий фазилатларнинг ривожланишини сустлаштиради. Дарсда тартибсизликни бошланишига олиб келади

Намунадаги тавсия этилган назорат ва баҳолаш асосида махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари махсус фанларни ўтишда замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларни дарсларга тўлиқ тадбиқ этиш орқали мустақил республикамиз учун юқори малакали, кенг иқтисосли, меҳнат бозорида рақобатбардош кичик мутахассис кадрлар тайёрлаш каби муаммолар ечимини топишади ва ўз олдиларига қўйган мақсад – натижаларга эришишади.

Ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари таълим технологияларини қўллашда назорат ва баҳолашга эътиборини тўлиқ қаратса қўллаб ўтган ҳар қандай ўқувчида янгиликга интилиш, юқори сифат, самарадорлик, ижодкорлик, яратувчанлик, мустақиллик, онгли муносабат ва фаоллик, қилинган меҳнатга нисбатан меҳр-мухаббат уйғотади, бундан ташқари фикр, ғоялар, янгиликлар вужудга келади. Инновацион технологиянинг мақсади ҳам шундан иборатдир.

Ўқитиш, таълим-тарбия бериш самарадорлигини ошириш, уни ташкил этиш шаклгагина эмас, балки уни ташкил этувчи компонентлар ва омилларга боғлиқ.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуқудусов О.А. Рашидов Ҳ.Ф “Касб - ҳунар педагогикаси” Услубий қўлланма Т 2011 йил 13-июн.



2. Нишонов А, Хайдаров Б ва бошқалар “Баҳолаш методлари” Т 2003-йил.
3. Таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Тошкент 2002 йил.
4. Фарберман Б.Л “Илғор педагогик технологиялар” Тошкент-2000 йил
5. Н. Сайидахмедов “Янги педагогик технология” Тошкент. 2003 йил.
6. Ишмухамедов Р.Ж “Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари”.( Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиянома) Тошкент 2003 йил.

Интернет маълумотлари:

7. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz),